

## Йўлдошбек қори беллашувда иккинчи ўринни олди



10:03 / 13.10.2018 4910

Аввал хабар қилганимиздек, Саудия Арабистонининг Мадина шаҳридаги Масжидун Набавийда 40 йилдан бери илк бор Қуръон ҳифзи, тиловати ва тафсири йўналишларида халқаро мусобақа бўлиб ўтган эди. Ушбу халқаро Қуръон мусобақасида Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар.

Масжидул Ҳаром имомларининг тиловатларига тақлид қилиш бўйича ўтказилган норасмий беллашувда вакилларимиздан, “Ўзбекистон Қуръон мусобақаси - 2018” танловининг “Олий ўрин” соҳиби, қирол Абдул Азиз халқаро мусобақасининг 30 порани ёддан ўқиш йўналиши иштирокчиси Йўлдошбек қори Нуриддинов иккинчи ўринни олди, – дея хабар берди Ўзбекистон муслмонлар идораси Матбуот хизмати.

Эслатиб ўтамиз, ушбу қирол Абдул Азиз халқаро танлови ҳижрий сана бўйича муҳаррам ойининг 26 санасидан сафар ойининг 1 кунига қадар, милодий сана бўйича 6 октябрдан 11 октябргача ўтказилиб, унда 82 давлатдан 115 киши иштирок этди.

***Islom.uz протали таҳририяти***